

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

6 “ апрель 2018 й. г.

№ 271

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффакиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги  
ПҚ-3022-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон маданият ва санъат  
соҳасини такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган  
чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, маданиятимиз  
ва санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган таникли санъаткорларни ҳамда  
санъаткор ёшларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси  
**қарор қиласи:**

1. Қуйидагилар:

Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффакиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш тартиби  
тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффакиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш бўйича  
республика комиссиясининг таркиби 2-иловага мувофиқ;

Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффакиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш бўйича  
худудий комиссияларнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мукофотлаш ва сертификат бланкасини тайёрлаш  
учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг  
маданий тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили назарда тутиладиган  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан ажратилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон  
Республикаси Маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати  
масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “6” апредаги  
271-сон қарорига  
1-илова

**Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни  
ҳамда ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш  
этиб келаётган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти  
номидан рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танлов ва фестивалларда юқори ўринларни эгаллаган, ўзбек санъати ва маданиятини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган ёшларни (кейинги ўринларда маданият соҳаси вакиллари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш (кейинги ўринларда мукофотлаш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Мукофотлашга, қоида тариқасида, қуйидаги соҳаларда фаолият юритаётган маданият соҳаси вакиллари тавсия этилади:

композитор, бастакор ва санъатшунослар;

театр, кино ва оммавий тадбирлар актёrlари, режиссёrlари;

дирижёрлар, балетмейстерлар;

музиқа, хор, рақс, цирк, оркестр, ансамбль ижрочилари ва ушбу жамоаларнинг бадиий раҳбарлари;

достон ижрочилиги намояндалари;

шоир ва ёзувчилар;

музей ҳамда моддий ва номоддий маданий мерос объектларини мухофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар;

тасвирий ва амалий санъат вакиллари, дизайнерлар.

Мукофотлашга маданият соҳасининг бошқа йўналишларида фаолият юритаётган номзодлар ҳам тавсия этилиши мумкин.

3. Номзодларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича) номзодларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш бўйича худудий комиссиялар (кейинги ўринларда худудий комиссия деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Биринчи босқич якунлари бўйича худудлардан мукофотлашга танлаб олинган (тавсия этилган) номзодлар танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш ҳукуқига эга бўлади.

Иккинчи босқич (республика бўйича) Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) томонидан ўтказилади.

4. Мукофотлашга тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ушбу Низомга иловага схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Республика комиссияси ва худудий комиссиялар жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси худудий комиссияларнинг ишчи органи (кейинги ўринларда худудий комиссиянинг ишчи органи деб аталади) ҳисобланади.

## **2-боб. Мукофотлашга тавсия этилаётган номзодларни танлаб олиш мезонлари**

6. Мукофотлашга тавсия этилаётган номзодлар қўйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

Ўзбекистонда доимий истиқомат қилган ҳолда ижодий фаолият юритаётганлиги;

жаҳон миқёсидаги кўрик-танлов ва фестивалларда юқори ўринларни (1-4-ўринлар) эгаллаганлиги;

ўзбек санъати ва маданиятини дунё саҳналарида мунтазам равища муваффақиятли намойиш этиб келаётганлиги;

муносиб ижодий кадрларни тайёрлаганлиги, ўзининг ўқув адабиётлари, илмий ишлари, катта амалий тажрибаси билан уларни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшганлиги (Ўзбекистон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорлар учун);

сўнгги беш йил мобайнида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш йўлидаги ижоди билан бир қаторда миллий истиқбол гоялари ва маданий маънавий қадриятларни ёшларга сингдириш ва эътиқодини юксалтиришдаги ибратли хизмати ва ёшларнинг алоҳида ютуқлари.

Ушбу банднинг тўртинчи – олтинчи хатбошларида назарда тутилган мезонлар асосида мукофотлашга тавсия этилаётган номзодларни танлаб олиш ҳар бир номзоднинг мукофотлашга муносиблиги Республика комиссияси ва худудий комиссиялар томонидан ҳаққоний ва холисона баҳолаган ҳолда ҳал этилади.

### **3-боб. Мукофотлашга тавсия этилаётган номзодларнинг хужжатларини қабул қилиш**

7. Маданият ва санъат соҳасидаги ташкилотлар ўз ташаббусига кўра ҳар йили 1 июнга қадар мукофотлашга тавсия этиладиган номзодларни танлаб олади ва номзод тўғрисида ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан имзоланган тавсияномани худудий комиссиянинг ишчи органига тақдим этади.

8. Маданият соҳасининг вакили (номзод), унинг ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тавсияномасини ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган муддатда худудий комиссиянинг ишчи органига тақдим этиши мумкин.

9. Ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган тавсияномаларга қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

номзоднинг маълумотнома-объективкаси (анкета);

паспорт нусхаси (16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси);

3x4 ўлчами 2 та фотосурат;

оммавий ахборот воситаларида номзод ҳақида берилган кўрсатув ва эшиттиришларнинг CD дискдаги ёзуви ёки мамлакатимизда ва чет элларда чоп этилган мақолалар нусхаси (агар бўлса);

номзоднинг ижодий ишлари, фаолияти ва эришган ютуқларини акс эттирувчи хужжатлар (муаллифлик асарлари ёки репертуар рўйхати, видео-аудио альбомлари, турли тадбирларда кўлга киритган совринли ўринлар учун сертификат ва дипломлар нусхаси) тўплами.

Номзодлардан ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа хужжатлар талаб этилишига йўл қўйилмайди.

### **4-боб. Тавсия этилаётган номзодларнинг хужжатларини қўриб чиқиши тартиби**

10. Худудий комиссиянинг ишчи органи тақдим этилган хужжатларни ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ тўлиқлиги юзасидан кўриб чиқади.

Хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилган тақдирда, улар уч иш куни мобайнида ушбу хужжатларни тақдим этувчига камчиликлар ҳамда хужжатларни қайта тақдим этишининг аниқ муддати кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

Ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, улар худудий комиссиянинг ишчи органи томонидан худудий комиссияга кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиш учун тақдим этилади.

11. Худудий комиссия номзодларнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижалари бўйича ҳар бир худудий комиссия мукофотлаш учун тавсия этиладиган 3 нафар номзодни аниқлаб, улар тўғрисида хужжатларни ҳар йили 15 июнга қадар кўриб чиқиши учун Республика комиссиясига киритади.

12. Республика комиссияси худудий комиссиялар томонидан тақдим этилган номзодларнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини кўриб чиқиб, мукофотлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан тавсия этиладиган жами 20 нафар номзодни аниқлайди ҳамда улар юзасидан таклифларни ҳар йили 1 июлга қадар келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тақдим этади.

Республиканинг бирор вилоятидан муносиб номзод тавсия этилмаган тақдирда ушбу худудга ажратилган ўрин Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга берилиши мумкин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишилган номзодлар рўйхати (танлов ғолиблари) Республика комиссиясининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Танлов ғолиблари уларни рағбатлантириш тўғрисида Республика комиссиясининг тегишли қарори асосида ушбу қарор қабул қилинган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан моддий рағбатлантирилади ва уларга мукофотланганлик тўғрисида сертификат топширилади.

#### **5-боб. Тақдирлаш маросимини ташкил этиш ва ўтказиш**

14. Мукофотлаш маросими ҳар йили Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

15. Ушбу Низом талаблари асосида мукофотлаш тақороран амалга оширилмайди.

16. Мукофотлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг маданий тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан ажратилади.


17. Мукофотланадиган маданият ва санъат вакиллари рўйхати республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### **6-боб. Якунловчи қоида**

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Миллий маданиятимиз ривожига катта хисса кўшган санъаткорларни  
хамда ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффакияти намойиш  
этиб келадиган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти  
номидан рағбагатлантириш тартиби тўгрисидаги низомга  
илова

**Мукофотлашга тавсия этилайтган номзодларнинг хужжатларини кабул килиши**  
**СХЕМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “6 ” апрел даги  
271-сон қарорига  
2-илова

**Миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан  
рағбатлантириш бўйича республика комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

- |                |   |
|----------------|---|
| А.Арипов       | - Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,<br><i>Республика комиссияси раиси</i>   |
| Б.Сайфуллаев   | - Ўзбекистон Республикаси маданият вазири,<br><i>Республика комиссияси раиси ўринbosари</i>   |
| К.Акилова      | - Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг<br>ўринbosари   |
| Ш.Ризаев       | - “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директорининг<br>биринчи ўринbosари  |
| Ф.Ташмуҳамедов | - Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг<br>ўринbosари  |
| С.Сайдов       | - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи<br>ўринbosари, Ўзбекистон халқ шоири   |
| Х.Рахимов      | - Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари<br>уюшмаси раиси ўринbosари, Ўзбекистон санъат<br>арбоби  |
| Ш.Тоҳтасимов   | - Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий<br>мактаби ректори   |
| С.Бегматов     | - Ўзбекистон Миллий мақом санъати маркази раҳбари,<br>санъатшунослик фанлари номзоди, профессор   |
| Б.Курбонов     | - Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган<br>музиқа академик лицейи директори, Ўзбекистонда<br>хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор |
| Ф.Зокиров      | - Ўзбекистон халқ артисти   |
| Ё.Аҳмедов      | - Ўзбекистон халқ артисти   |
| З.Зоиров       | - Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси,<br><i>Республика комиссияси масъул котиби</i>  |

**Изоҳ.** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига  
ушибу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функциялар  
юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “6” апрел даги  
271-сон карорига  
3-илова

**Миллий маданиятимиз ривожига катта хисса қўшган санъаткорларни ҳамда  
ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган  
ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш  
бўйича худудий комиссияларнинг намунавий  
ТАРКИБИ**

- |                 |   |
|-----------------|---|
| лавозимига кўра | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринbosари, <i>Комиссия раиси</i> |
| лавозимига кўра | - Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси бошлиғи, <i>Комиссия раисининг ўринbosари</i>                                   |
| лавозимига кўра | - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг худудий бўлинмаси раҳбари  |
| лавозимига кўра | - “Ўзбеккино” миллий агентлигининг худудий бўлими раҳбари   |
| лавозимига кўра | - Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси худудий бўлими раиси   |
| лавозимига кўра | - Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг худудий бўлими раиси  |
| лавозимига кўра | - Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг худудий бўлинмалари раҳбари  |

**Изоҳ.**

1. Комиссияларнинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади;
2. Комиссия аъзолари бошқа ишига ўтган тақдирда комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишили функциялар юклangan шахслар киритилади.

